


Дуо - нажотга етакловчи ибодат



08:45 / 09.02.2019 3278

Қуръон каримда Аллоҳнинг «**марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси**» (*Анбиё, 83-оят*) эканлиги билдирилган. Яна Қуръонда гуноҳ қилиб, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтганлар Аллоҳнинг мағфиратли ва раҳмли Зот эканлигини кўришлари билдирилган (*Нисо,110-оят*). Шу сабабли инсон Аллоҳни раҳм қилувчи, мағфират этувчи Зотлигини ўйлаши, умид билан дуо қилиши лозим. Киши қилган хатоси туфайли ҳис қилаётган виждон азоби қанчалик катта бўлмасин, бу Аллоҳнинг чексиз мағфиратидан умид узишга сабаб бўла олмайди. Шу билан бирга кишининг хато ва гуноҳлари туфайли мавжуд руҳий ҳолати унинг Аллоҳга умид билан дуо қилишига тўсиқ бўла олмаслиги керак. Чунки Қуръон каримда Аллоҳнинг раҳматидан умид узиш кофирларга хослиги эслатилган:

لَا إِنَّهُ، اللَّهُ رَوْحٌ مِنْ تَأْتِسُوا وَلَا وَأَخِيهِ يُوسُفَ مِنْ فَتَحَسَّسُوا أَذْهَبُوا يَبْنِيَّ

الْكَافِرُونَ الْقَوْمُ إِلَّا اللَّهُ رَوْحٌ مِنْ يَأْتِسُ ﴿٨٧﴾

«Эй ўғилларим, боринглар, Юсуфни ва унинг укасини яхшилаб изланглар, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар» (Юсуф, 87-оят).

Маълумки ҳеч кимнинг жаннатга кириши учун кафолати йўқ. Бу хусусда Аллоҳ Қуръонда:

«Албатта, Роббиларининг азобидан омонлик йўқдир» (Маъориж, 28-оят), ояти билан ушбу ҳақиқатни бандаларига билдирган. Шу сабабли барча одамлар сўнгги имконигача Аллоҳдан қўрқишлари лозим. Шундай экан, имтиҳон дунёсидаги барча одамлар Аллоҳга қалбан илтижо қилиб залолатга тушишдан, шайтонга итоат қилишдан паноҳ тилаши, Аллоҳдан ҳидоятда собит туришларини сўраши лозим. Чунки ҳеч кимнинг тўғри йўлда мустаҳкам туришига кафолати йўқ. Қалбларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг қўлида бўлиб, бу ҳақда Қуръонда иймон келтирган ва илмда собит бўлган ақл эгалари томонидан қилинган қуйидаги дуога эътибор қаратилган:

الْوَهَّابُ أَنْتَ إِنَّكَ رَحْمَةٌ لَدُنْكَ مِنْ لَنَا وَهَبْ هَدْيَتَنَا إِذْ بَعَدَ قُلُوبَنَا تُرْغَ لَا رَبَّنَا ﴿٨﴾

«Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ҳадя этгин. Албатта, Сен

Ўзинг кўплаб ҳадя этувчисан» (Оли Имрон, 8-оят).Оли Имрон

Албатта, илмда собит бўлган мўмин киши ҳидоят Аллоҳнинг раҳмати, нақадар улуғ неъматни эканлигини билгани боис, Аллоҳдан қалбан ёлвориб ушбу ҳидоят йўлида собит қилишини сўрайди.

Мўминнинг бошқалардан энг фарқли жиҳати Аллоҳдан кўрқишида акс этади. Чунки Аллоҳга иймон келтирмаган кимсанинг жаҳаннамнинг мавжудлигига бўлган ишончи ҳам сустдир. Мўмин киши охират кунига қаттиқ ишонгани учун, бу ишонч уни мудом Аллоҳдан кўрқиб яшашга чорлаб туради. Фақатгина Аллоҳга иймон келтирган ва Роббисига қарши кибр қилишдан кўрққан, Унинг чексиз раҳматидан умидвор бўлган кишигина Аллоҳга кўрқув ва умид билан дуо қилади. Бу тарбияни ўзида шакллантиришни истаганлар албатта, Аллоҳнинг каломини, ундаги азоб ва раҳмат оятларини мудом ўқиши, уни қалбига сингдириб, амалда тадбиқ қилиши лозим. Эътибор берсак, Қуръонда кўрқув ва умид оятлари ёнма-ён келади. Агар киши дуоларида кўрқув ҳис этмаса, у тафаккур қилишдан йироқ турган кимса бўлади. Инсон Аллоҳга жаҳаннам азобидан паноҳ тилаб қанча кўп дуо қилса, Унинг жаннати, жамолини истаб ҳам шунча кўп дуо қилиши лозим. Яъни жаҳаннам азобидан кўрқиб, жаннатга киришни умид қилиши лозим. Бу ҳолат Қуръони карим оятларида қуйидагича баён қилинган:

اللَّهُ رَحِيمٌ إِنَّ وَطْئًا خَوْفًا وَأَدْعُوهُ إِصْلَاحًا بَعْدَ الْأَرْضِ فِي نَفْسٍ وَأَوْلَا

الْمُحْسِنِينَ مِّنْ قَرِيبٍ ﴿٥٦﴾

«Ва ер юзида ислоҳ қилинганидан кейин бузғунчилик қилманг ҳамда Ундан кўрқиб ва таъма этиб дуо қилинг. Албатта, яхшилик қилувчиларга Аллоҳнинг раҳмати яқиндир» (Аъроф, 56-оят).

رَزَقْنَهُمْ وَمِمَّا وَطَمَعًا خَوْفًا رَبَّهُمْ يَدْعُونَ الْمَضَاجِعَ عَنِ جُنُوبِهِمْ نَتَجَافَى

يُنْفِقُونَ ١٦

«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Роббларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар» (Сажда, 16-оят).

Кўриб турганимиздек қўрқув ва умид Қуръон каримда таълим берилган дуонинг икки тамалидан биридир. Қуръонни диққат билан ўқисак, уни тафаккур қилсак барча ибодатлар ва ҳаётнинг ҳар лаҳзасида бу икки туйғунинг аҳамияти буюк эканини тушуниб етамиз. Унутмаслик керакки, дуо абадий ҳаётимизда нажотга етаклайдиган ибодатдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бу ҳақиқатни қуйидагича баён қилган:

عِبَادَتِي عَنْ يَسْتَكْبِرُونَ الَّذِينَ إِنَّ لِكُلِّ أَسْتَجِبَ أَدْعُوْنِي رَبُّكُمْ وَقَالَ

دَاخِرِينَ جَهَنَّمَ سَيِّدٌ خُلُون ٦٠

«Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар», - деди» (Ғофур, 60-оят).

“Қуръони каримга кўра дуо” китобидан